ISSN 2181-7812

# TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI AXBOROTNOMASI

# ВЕСТНИК ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

## СПЕЦВЫПУСК ПОСВЯЩЁН

90 летию

профессора, д. м. н.

## Д.Д. ДЖАЛАЛОВА



## 2023

TOSHKENT

ISSN 2181-7812

Выпуск набран и сверстан на компьютерном издательском комплексе
редакционно-издательского отдела
Ташкентской медицинской академии

Начальник отдела: М. Н. Аслонов

Редактор русского текста : О.А. Козлова

Редактор узбекского текста: М.Г. Файзиева

Редактор английского текста: А.Х. Жураев

Компьютерная корректура: З.Т. Алюшева

Учредитель: Ташкентская медицинская академия

Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском управлении печати и информации
Регистрационное свидетельство 02-00128

Журнал внесен в список, утвержденный приказом № 201/3 от 30 декабря 2013года
реестром ВАК в раздел медицинских наук

Рукописи, оформленные в соответствии
с прилагаемыми правилами, просим направлять
по адресу: 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2,
Главный учебный корпус ТМА,

4-й этаж, комната 444.
Контактный телефон: 214 90 64
e-mail: rio-tma@mail.ru
rio@tma.uz

Формат 60х84 1/8. Усл. печ. л. 9,75.
Гарнитура «Cambria».
Тираж 150.
Цена договорная.

Отпечатано на ризографе
редакционно-издательского отдела ТМА.
100109, Ташкент, ул. Фароби, 2.

Вестник ТМА, 2023

***РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ***

***Главный редактор***

проф. А.К. Шадманов

***Заместитель главного редактора***

проф. О.Р.Тешаев

***Ответственный секретарь***

проф. Ф.Х.Иноятова

***Ответственный за выпуск***

доцент Б.А. Ешмуратов

доцент И.И. Бахриев

***ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ***

акад. Аляви А.Л.
проф. Билалов Э.Н.
проф. Гадаев А.Г.
акад. Каримов Ш.И.
проф. Комилов Х.П.
акад. Курбанов Р.Д.
проф. Мавлянов И.Р.
акад. Назыров Ф.Г.
проф. Нажмутдинова Д.К.
проф. Саломова Ф.И.
акад. Соатов Т.С.
проф. Ходжибеков М.Х.
проф. Шайхова Г.И.
проф. Жае Вук Чои

***Члены редакционоого совета***

д.п.н. Абдуллаева Р.М. (Ташкент)
проф. Акилов Ф.О. (Ташкент)
проф. Аллаева М.Д. (Ташкент)
проф. Ахмедов Р.М. (Бухара)
проф. Гиясов З.А. (Ташкент)
проф. Ирискулов Б.У. (Ташкент)
проф. Каримов М.Ш. (Ташкент)
проф. Каюмов У.К. (Ташкент)
проф. Исраилов Р.И. (Ташкент)
проф. Охунов А.О. (Ташкент)
проф. Парпиева Н.Н. (Ташкент)
проф. Рахимбаева Г.С. (Ташкент)
проф. Ризамухамедова М.З. (Ташкент)
проф. Сабиров У.Ю. (Ташкент)
проф. Сабирова Р.А. (Ташкент)
проф. Халиков П.Х. (Ташкент)
проф. Хамраев А.А. (Ташкент)
проф. Холматова Б.Т. (Ташкент)
проф. Шагазатова Б.Х. (Ташкент)

# ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИДА БОЛАЛАР ЎЛИМИ: КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ВА НОХУШ ҲОЛАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

Лочинов Ф.Н., Тожиқулов Р.А., Хайдаров Ё.Қ., Жўраев Р.Ф.

*Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон*
*ЎзР ССВ Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази*

***Аннотация.*** *Мақолада РСТЭИАМ Тошкент вилоят филиалининг Қибрай тумани суд-тиббий экспертиза бўлимида 2017-2021 йилларда йўл-транспорт ҳодисаларида болаларнинг жароҳатланиши ҳолатлари бўйича тузилган эксперт хулосаларининг статистик таҳлили берилган. Унга кўра, йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳатланиш бўйича ўтказилган жами экспертизалар (11,6%) орасида болалар ўлими 6,7 фоизни ва йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш бўйича тирик шахсларга нисбатан ўтказилган жами экспертизалар (27,6%)нинг 16,4 фоизи болалар иштирокида юз берганлиги аниқланган. Жумладан, ўғил болаларда ўлим ҳолати қиз болаларга нисбатан кўплиги, 7-12 ва 12-16 ёш оралиғида бўлган болаларда ўлим ва жароҳатланиш кўрсатгичи юқорилиги қайд этилган. Шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаларидан болаларнинг жароҳатланиши билан боғлиқ нохуш ҳолатларини олдини олиш бўйича тавсиялар берилган.*

***Калит сўзлар:*** *йўл-транспорт ҳодисалари, суд-тиббий экспертиза, йўл-транспорт ҳодисаларида болалар жароҳатланиши ва ўлими.*

**Долзарблиги**. Транспорт травмаси шикастланишларнинг кенг тарқалган тури ҳисобланади [1, 2, 3, 6]. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнгги ҳисоботида дунёда йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳолати тўғрисида келтирилган маълумотларга кўра, йўл-транспорт ҳодисалари натижасида ўлим ҳолатлари сони ортиб бормоқда [4, 5, 8, 10]. Йўл-транспорт ҳодисаларида ҳар йили 1,35 миллиондан зиёд киши ҳалок бўлади ва 50 миллиондан ортиқ кишига турли оғирликдаги тан жароҳатлари етказилади. Ҳисоботда йўл-транспорт ҳодисаларида оқибатидаги жароҳатлар 5-29 ёшдаги болалар ва аёлларнинг ўлимига асосий сабаб деб қайд этилди. Йўлларда ҳалок бўлаётганларнинг ярмидан кўпини "йўлларнинг ожиз фойдаланувчилари" – пиёдалар, велосипедчилар ва мотоциклчилар ташкил этади [7, 9]. Агарда расмий статистикада фақат яққол намоён бўлган ва тасдиқланган ҳолатлар қайд этилишини инобатга олсак, йўл-транспорт ҳодисаларидан ўлим расмий кўрсаткичлардан анча юқори эканлиги маълум бўлади [8]. Жаҳон банкининг ҳисобларига биноан мазкур ҳодисалар туфайли етказилган моддий зиён барча мамлакатларнинг жами ялпи ички маҳсулотининг 1,5-2,0 фоизини ташкил этади. Суд-тиббий экспертиза маълумотларига биноан транспорт травмаси ҳолатларида ўтказилган экспертизаларнинг 90 фоизидан ортиғини автомобил травмаси ташкил этади [2, 7, 8, 9].

"Huquq" газетасининг хабарига кўра, Ўзбекистонда 2020 йилнинг январ-сентябр ойлари давомида қайд этилган 4294 та йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 1293 киши ҳалок бўлган, 3886 нафари жароҳатланган. Йўл-транспорт ҳодисаларининг 728 таси болалар, 1919 таси пиёдалар, 579 таси велосипедлар, 146 таси лицензияга эга бўлмаган таксилар ва 77 таси мотоцикллар иштирокида содир этилган. Шунингдек, йўл-транспорт ҳодисалари асосан пиёдалар йўлнинг белгиланмаган жойидан ўтиши (17,8%), белгиланган тезликка риоя қилмаслик (15,5%), велосипед йўлаклари ташкил этилмагани (6,3%), чарчоқлик ёки ухлаб қолиш (6,2%) ва автомобилни маст ҳолатда бошқариш (1,7%) оқибатида юз берганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси маълумотига кўра, 2021 йилда мамлакатимизда 10001 та йўл-транспорт ҳодисалари қайд этилган бўлиб уларда 9230 киши турли даражада тан жароҳати олган ва 2436 киши ҳаётдан кўз юмган. Биргина Тошкент шаҳрида қайд этилган 1073 та йўл-транспорт ҳодисаларда 142 киши ҳалок бўлган. Маълумот учун, 2021 йилнинг январ-октябр ойларида республикада 7681 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган. Оқибатда 1 964 киши вафот этган, 6886 нафар инсон жароҳатланган. ЙТҲ иштирокчиларининг 3441 нафари пиёдалар, 1268 нафари эса болалар ҳиссасига тўғри келган.

Сенатда бўлиб ўтган автомобиль йўлларида хавфсизликни таъминлашга оид йиғилишда маълум қилинишича, Ўзбекистонда 2022 йилнинг январ-октябр ойларида 7636 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган, уларда 7174 нафар фуқаро жароҳатланган ва 1931 нафар фуқаро ҳалок бўлган, ҳалок бўлганларнинг 226 нафари ёш болалар. Тинч замонда 200 дан зиёд боланинг йўл-транспорт ҳодисасида ҳалок бўлиши жамиятмиз учун катта фожиа бўлиб барчамизда бирдек ташвиш уйғотади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, йўл-транспорт ҳодисалари юзасидан ўтказилган экспертизалар материалларининг таҳлилига асосан травматизмнинг бу турини камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда муҳим бўлган таклиф ва тавсиялар берилиши долзарб муаммо ҳисобланади.

**Тадқиқот мақсади**. Суд-тиббий экспертиза материаллари бўйича Қибрай туманида йўл-транспорт ҳодисаларида болаларнинг жароҳатланиши ҳолатларини ўрганиш ва статистик таҳлил қилиш

йўли билан унга суд-тиббий баҳо бериш ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг турли кўринишларида шикастланишларнинг вужудга келишида аҳамиятли бўлган омилларни ўрганиш, уларни бартараф қилиш ва бу турдаги нохуш ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот материали ва усуллари.** Йўл-транспорт ҳодисаларида болаларнинг жароҳатланиши билан боғлиқ ҳолатларини ўрганиш мақсадида Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилоят филиалининг Қибрай тумани суд-тиббий экспертиза бўлимида 2017-2021 йилларда ўтказилган эксперт хулосалари ўрганилди ва статистик кўрсатгичлар таҳлил қилинди.

**Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси.** Тадқиқот ўтказилган йиллар давомида жами 1199 та мурдага оид суд-тиббий экспертизалар ўтказилган. Жами ўтказилган экспертизалар орасида йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш билан боғлиқ 134 та (11,2%) ўлим ҳолати қайд этилган. Улардан 9 таси (6,7%) болалар иштирокида ва барчаси катта йўлларда юз берган. Мактабгача тарбия муассасаси ва мактаблар атрофида йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш қайд этилмаган. Йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш билан боғлиқ ўлимнинг 7 таси (77,8%) ўғил болаларда, 2 таси (22,2%) қиз болаларда қайд этилган. Ёши бўйича таҳлил қилганда: 0-7 ёшгача 1 та (11,2%), 7-12 ёшгача 4 та (44,4%), 12-16 ёшгача 4 та (44,4%) ҳолат аниқланган. Йил фасллари бўйича таҳлил қилинганда - қишда 3 та (33,4%), баҳорда 2 та (22,2%), ёзда 2 та (22,2%) ва кузда 2 та (22,2%) ўлим ҳолатлари кузатилган. Хафта кунлари бўйича – душанба 1 та (11,1%), сешанба 5 та (55,6%), чоршанба 1 та (11,1%), пайшанба 1 та (11,1%) ва жума 1 та (11,1%) ўлим ҳолатлари қайд этилган. Шанба ва якшанба кунлари ўлим ҳолатлари қайд этилмаган. Ўлим суткани қайси қисмида юз берганлиги таҳлил килинганда: 6 таси (66,7%) кундузи (эрталаб соат 06:00 дан, кеч соат 18:00 гача), 3 таси (33,3%) тунги (кеч соат 18:00 дан, эрталаб соат 06:00 гача) вақтга тўғри келган.

Ушбу ҳолат тирик шахсларда ўрганилганда қуйидагилар аниқланди: охирги 5 йил давомида жами 4358 та тирик шахслар экспертизаси ўтказилган. Жами ўтказилган экспертизалар орасида орасида йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш билан боғлиқ 1204 та (27,6%) ҳолати қайд этилган. Улардан 198 таси (16,4%) болалар иштирокида юз берган. 194 (98,0%) катта йўлларда, 4 таси (2,0%) мактаблар атрофидаги кўчаларда юз берган. Мактабгача тарбия муассасалари атрофида йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш қайд этилмаган. Йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланишнинг 133 таси (67,2%) ўғил болаларда, 65 таси (32,8%) қиз болаларда қайд этилган. Ёши бўйича таҳлил қилганда: 0-7 ёшгача 35 та (17,7%), 7-12 ёшгача 74 та (37,4%), 12-16 ёшгача 89 та (44,9%) жароҳатланиш аниқланган. Йил фасллари бўйича таҳлил қилинганда - қишда 46 та (23,2%), баҳорда 68 та (34,3%), ёзда 65 та (32,9%) ва кузда 19 та (9,6%) жароҳатланиш ҳолатлари кузатилган. Хафта кунлари бўйича – душанба 35 та (17,7%), сешанба 38 та (19,2%), чоршанба 18 та (9,1%), пайшанба 31 та (15,6%), жума 30 та (15,1%), шанба 17 та (8,6%) ва якшанба 29 та (14,6%) кунлари жароҳат олган. Жароҳатланиш суткани қайси қисмида юз берганлиги таҳлил килинганда: 119 таси (60,1%) кундузи (эрталаб соат 06:00 дан, кеч соат 18:00 гача), 79 таси (38,9%) тунги (кеч соат 18:00 дан, эрталаб соат 06:00 гача) вақтга тўғри келган.

Таҳлил натижаларига кўра, йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш оқибатида ўлим юз берган жами экспертизалар (11,6%) орасида 6,7% болалар иштирокида катта йўлларда юз берганлиги қайд этилди. Жумладан, ўғил болаларда ўлим ҳолати қиз болаларга нисбатан кўп (77,8%) эканлиги, 7-12 ва 12-16 ёш оралиғида (44,4%) бўлган болаларда ўлим кўрсатгичи бошқаларга нисбатан юқорилиги, қиш (33,4%) фаслида, хафтани сешанба (55,6%) кунида ҳамда суткани кундузги қисмида (66,7%) ўлим ҳолатлари кўп қайд этилганлиги аниқланди.

Тирик шахсларга нисбатан ўтказилган экспертизалар тахлилига кўра, охирги 5 йилда қайд этилган жами 27,6% йўл-транспорт ҳодисасининг 16,4% болалар иштирокида юз берган. Улардан 98,0% катта йўлларда ва 2,0% мактаблар атрофидаги кўчаларда содир бўлган. Мактабгача тарбия муассасалари атрофида йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш қайд этилмаган. Жумладан, ўғил болаларда жароҳатланиш қиз болаларга нисбатан кўп (67,2%) эканлиги, 7-12 ёш (37,4%) ва 12-16 ёш (44,9%) оралиғида бўлган болаларда жароҳатланиш кўрсатгичи бошқаларга нисбатан юқорилиги, баҳор (34,3%) ва ёз (32,9%) фаслларида, хафтани душанба (17,7%) ва сешанба (19,2%) кунларида ҳамда суткани кундузги қисмида (60,1%) жароҳатланиш ҳолатлари кўп қайд этилганлиги аниқланди.

Хулоса. Юқоридагилардан келиб чиқиб, йўл-транспорт ҳодисаларидан болаларнинг жароҳатланиши билан боғлиқ нохуш ҳолатларини олдини олиш мақсадида, ушбу ҳолатларни вужудга келишида аҳамиятли бўлган омиллар (пиёдалар йўлнинг белгиланмаган жойидан ўтиши, белгиланган тезликка риоя қилмаслик, велосипед йўлаклари ташкил этилмагани, автомобилни маст ҳолатда бошқариш ва х.к.з)ни ўрганиш ва уларни бартараф қилишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда йўл-транспорти травматизми бўйича мактаблар, коллежлар ва мактабгача таълим муассасаларида мунтазам тарзда кенг тушунтириш ишларини олиб боришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан бир қаторда тиббиёт ходимларининг ҳам иштироки муҳим аҳамият касб этади.

**Адабиётлар.**

1. Бахриев И.И., Лочинов Ф.Н. Осмотр и судебно-медицинское исследование трупа. Учебное пособие. Ташкент, 2023.

2. Бухвалов С.А. Медико-социальные аспекты распространенности детского травматизма (факторы риска, организация профилактики и лечения): Автореф. дисс. канд. мед. наук. Россия. 2010.

3. Ғиёсов З.А. Суд тиббиёти //Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, “Global Books” нашрёти, 2018.

4. Индиаминов С.И., Гамидов С.Ш., Исмаилов Р.А. Характеристика повреждений у пешеходов при автомобильной травме //Проблемы биологии и медицины. 2020, №5.1 (123), С. 164-169.

5. Индиаминов С.И., Шойимов Ш.У., Азимов К.И. Экспертная оценка переломов костей нижних конечностей у детей-пешеходов при автомобильной травме //Проблемы биологии и медицины. 2020, №5.1 (123), С. 169-172.

6. Искандаров А.И., Қўлдошев Д.Р. Суд тиббиёти. //Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, “MERIYUS” нашрёти, 2009.

7. Кишишян Р.А. Детский дорожно-транспортный травматизм у детей: медико-организационные аспекты проблемы: Автореф. дисс ... докт. мед. наук. Москва. 2010.

8. Маякова М.В. Судебно-медицинская оценка травматических повреждений участников ДТП (водителей и пассажиров переднего сидения), возникающих в салоне автомобиля при лобовом столкновении с движущейся преградой //Актуальные вопросы судебно-медицинской науки и практики. - Киров, 2010. - С. 245.

9. Породенко В.А., Ануприенко С.А. Детский дорожно-транспортный травматизм в г. Краснодаре. Кубанский научный медицинский вестник. 2014, №7, С. 61-64.

10. Судебная медицина: национальное руководство /под ред. Ю.И.Пиголкина. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2018.

# СОДЕРЖАНИЕ

## ОРГАНИЗАЦИЯ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ СЛУЖБЫ (СУД-ТИББИЙ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ)

**Бахриев И.И., Ешмуратов Б.А.** ТИББИЕТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР Ж.Ж.ЖАЛОЛОВНИНГ ХАЁТИ, ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ВА ЖАМОАТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ ҲАКИДА ҚИСҚАЧА ОЧЕРК ... 4

**Искандаров А.И.** ИСТОРИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ СЛУЖБЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАНЕ ... 6

**Бекназаров Ш.Й., Ешмуротов Б.А., Бекназаров Ш.Ж.** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД БИОЛОГИК ТЕКШИРУВЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ СУД ТИББИЁТИ ВА ТИББИЁТ ҲУҚУҚИ КАФЕДРАСИ ОЛИМЛАРИНИНГ РОЛИ ... 9

**Индиаминов С.И., Якубов Х.Х., Носиров Т.К.** НАЧАЛЬНЫЕ ЭТАПЫ ПРИМЕНЕНИЯ МЕДИЦИНСКИХ ЗНАНИЙ В СУДЕБНО-СЛЕДСТВЕННЫХ ПРОЦЕССАХ ... 14

**Айдаркулов А.Ш., Нургалиева Ж.Ж.** ПЕРСПЕКТИВЫ ВНЕДРЕНИЯ В СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКУЮ ПРАКТИКУ МЕТОДА «ВИРТУАЛЬНОЙ АУТОПСИИ» ... 17

**Попов В.Л.** ОБ ИЗУЧЕНИИ ПОСЛЕДСТВИЙ БИОЛОГИЧЕСКОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ В АСПЕКТЕ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ ... 20

**Хасанова М.А.** ЛЕКТИНЫ С ГРУППОСПЕЦИФИЧЕСКИМИ СВОЙСТВАМИ К СИСТЕМЕ АВО ... 22

## СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ ТАНАТОЛОГИЯ (СУД-ТИББИЙ ТАНАТОЛОГИЯ)

**Индиаминов С.И., Умаров А.С.** СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССА ЭКСПЕРТИЗЫ ТРУПОВ ЛИЦ, ПОГИБШИХ ОТ СОЧЕТАННОЙ ТРАВМЫ ПОСЛЕ ПРОВЕДЕНИЯ ДИАГНОСТИЧЕСКИХ И ЛЕЧЕБНЫХ ВМЕШАТЕЛЬСТВ ... 27

**Индиаминов С.И., Жуманов З.Э.** ВОЗМОЖНОСТИ УСТАНОВЛЕНИЯ ДАВНОСТИ СМЕРТИ ПО ДИНАМИКЕ ПОСМЕРТНЫХ АУТОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В НЕРВНО-СОСУДИСТЫХ СТРУКТУРАХ ГОЛОВНОГО МОЗГА ПОСЛЕ МАССИВНОЙ КРОВОПОТЕРИ ... 33

**Индиаминов С.И., Жуманов З.Э., Кушбаков А.М.** ЗНАЧЕНИЕ ДИНАМИКИ РАЗВИТИЯ ТРУПНЫХ ЯВЛЕНИЙ ДЛЯ УСТАНОВЛЕНИЯ ДАВНОСТИ НАСТУПЛЕНИЕ СМЕРТИ ... 40

**Бойманов Ф.Х., Кушбаков А.М., Расулова М.Р.** ОЦЕНКА МОРФОЛОГИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ КОЛОТО-РЕЗАННЫХ РАН НАНЕСЕННЫХ НАЦИОНАЛЬНЫМИ НОЖАМИ ... 48

**Жуманов З.Э., Индиаминов С.И.** ДИНАМИКА АУТОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В ТКАНЕВЫХ И СОСУДИСТЫХ СТРУКТУРАХ МИОКАРДА ПОСЛЕ СОСТОЯНИЙ МЕХАНИЧЕСКОЙ АСФИКСИИ, В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ТЕМПЕРАТУРНЫХ УСЛОВИЙ РЕГИОНОВ УЗБЕКИСТАНА ... 50

**Бойманов Ф.Х., Индиаминов С.И., Хайдаров Д.Т.** ОСОБЕННОСТИ КОЛОТО-РЕЗАНЫХ ПОВРЕЖДЕНИЙ НЕБИОЛОГИЧЕСКИХ ТКАНЕЙ, ПРИЧИНЕННЫХ НАЦИОНАЛЬНЫМИ УЗБЕКСКИМИ НОЖАМИ ... 58

**Джафаров Ф.М., Ешмуратов Б.А., Султанова Н.Д.** ОПРЕДЕЛЕНИЕ ДОПОЛНИТЕЛЬНЫХ ПРИЗНАКОВ ВХОДНОЙ ОГНЕСТРЕЛЬНОЙ ПУЛЕВОЙ РАНЫ ПРИ ВЫСТРЕЛЕ С БЛИЗКОЙ И НЕБЛИЗКОЙ ДИСТАНЦИИ .. 66

**Islamov Sh.E., Maxmatmuradova N.N., Normaxmatov I.Z.** KALLA-MIYA JAROHATI MUDDATINI ANIQLASH XUSUSIYATLARI ... 68

**Ишанджанова С.Х., Азизова Ф.Х., Отажанова А.Н., Шигакова Л.А.** ГИПАТАЛАМО-ГИПОФИЗАРНО, ТИРЕОИДНАЯ И ИММУННАЯ СИСТЕМА, И ИХ ВЗАИМОСВЯЗЬ ... 72

**Лочинов Ф.Н., Тожиқулов Р.А., Хайдаров Ё.Қ., Жўраев Р.Ф.** ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИДА БОЛАЛАР ЎЛИМИ: КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ВА НОХУШ ҲОЛАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ ...... 77

**Нарзуллаева Н.Дж., Шарипов Х.Ю., Имомов Б.Д., Назиров С.Н., Саидова Ф.Г.** ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКАЯ И СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ ОЦЕНКА ВНЕЗАПНОЙ ДЕТСКОЙ СМЕРТИ ...... 80

**Соибов Х.М., Рўзиев Ш.И., Жулдибаева С.Ж., Кадиров К.У.** ҚЎШИЛИБ КЕЛГАН БОШ МИЯ ЖАРОҲАТЛАНИШЛАРИДА СУД-ТИББИЙ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ...... 83

**Чижикова И.О., Шигеев С.В.** ЗЛОУПОТРЕБЛЕНИЕ АЛКОГОЛЕМ КАК ФАКТОР ДОРОЖНО-ТРАНСПОРТНЫХ ПРОИСШЕСТВИЙ С УЧАСТИЕМ СРЕДСТВ ИНДИВИДУАЛЬНОЙ МОБИЛЬНОСТИ ...... 87

**Юнусова Ш.Э., Искандаров А.И., Мирзаева М.А.** СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКИЕ КРИТЕРИИ ОЦЕНКИ ЛАБОРАТОРНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ ВНУТРЕННИХ ОРГАНОВ ТРУПОВ ПРИ УТОПЛЕНИИ ...... 90

**Юнусова Ш.Э., Насиров Т.К., Жуманиёзов Э.Х., Пириева Л.В.** БАКТЕРИОЛОГИЧЕСКИЙ МЕТОД ОЦЕНКИ ПРИЖИЗНЕННОСТИ УТОПЛЕНИЯ ...... 96

**Якубов Х.Х., Хўжаназаров Д.А., Ахроров А.А.** АНАЛИЗ ПРИЧИН СМЕРТЕЛЬНЫХ ИСХОДОВ ПРИ СОЧЕТАННЫХ ТРАВМАХ ...... 100

## СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ ЭКСПЕРТИЗА ЖИВЫХ ЛИЦ (ТИРИҚ ШАХСЛАР СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИ)

**Konev V.P., Moskovskij S.N., Krivoshein A.E., Sorokina V.V., Shishkina Yu.O., Linnik M.M., Saydasheva E.M., Milto N.S.** FEATURES OF REGENERATION IN THE AREA OF HUMERUS FRACTURE ON THE BACKGROUND OF OSTEOPOROSIS ...... 102

**Ашуров Т.А., Туймачев У.А., Хамдамов Ш.И.** АНРОПОМЕТРИЧЕСКИЕ ПАРАМЕТРЫ ВЕРХНИХ КОНЕЧНОСТЕЙ ДЕТЕЙ ШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА СЕЛЬСКИХ РАЙОНОВ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ ...... 109

**Григорьева М.А.** РЕКОНСТРУКЦИЯ ДЛИНЫ ПЛЕЧЕВОЙ КОСТИ ЧЕЛОВЕКА ПО ОСЕВОЙ ДЛИНЕ СЕГМЕНТОВ ...... 112

**Давранова А.Э., Индиаминов С.И., Хайдаров Д.Т., Ахадов З.Ш.** СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКИЕ АСПЕКТЫ МЕХАНИЧЕСКОЙ ТРАВМЫ ОРГАНА ЗРЕНИЯ У ДЕТЕЙ ...... 117

**Ибрагимов Ш.Р., Исламов Ш.Э., Бахриев И.И.** СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ ОЦЕНКА МЕХАНИЗМОВ ПЕРЕЛОМОВ НИЖНЕЙ ЧЕЛЮСТИ ...... 120

**Индиаминов С.И., Шопўлатов И.Б.** КАФТ ОЛДИ ВА КАФТ СУЯКЛАРИ СИНИШЛАРИ ҲОЛАТЛАРИДА ЖАРОХАТ ОҒИРЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ ЖИҲАТЛАРИ ...... 123

**Индиаминов С.И., Абдимуминов Х.Н., Шопулатов И.Б.** ЙЎЛ ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИДА ЖАРОҲАТЛАНГАН ВЕЛОСИПЕД ҲАЙДОВЧИЛАРИДА ШИКАСТЛАНИШЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА МЕХАНИЗМИ ...... 127

**Ибрагимов Ш.Р., Исламов Ш.Э., Бахриев И.И.** ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕЛОМОВ ВЕРХНЕЙ ЧЕЛЮСТИ ...... 130

**Ойдинов А.Э., Исламов Ш.Э., Бахриев И.И.** ХАРАКТЕРИСТИКА ПОВРЕЖДЕНИЙ ЗУБОВ ...... 133

**Расулова М.Р., Давронов С.Ф., Азимов К.** УСТАНОВЛЕНИЕ ДАВНОСТИ КРОВОПОДТЕКОВ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ЛОКАЛИЗАЦИИ И ОБЪЕМА ...... 136

**Расулова М.Р., Индиаминов С.И., Ахадов З.Ш.** КРИТЕРИИ ПОЛОВОЙ ЗРЕЛОСТИ У ДЕВУШЕК ...... 139

**Ulug'bekova G.J., Ubaydullayev R.L., Adhamov Sh.A.** 7- YOSH TOIFASIDAGI BOLALARDA PESHONA SOHASI KRANIOMETRIK KO'RSATKICHLARI O'SISH DINAMIKASINING TAHLILI ...... 141